

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ўрни

Р.Ҳ.Жалилов -ҚМШИ, ассистент.

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари иқтисодиётининг мустаҳкамлигини ўзига хос синовдан ўтказмоқда.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини олдини олиш ва бартараф этиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқ корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш, банкларнинг капиталлашувини ошириш асосида уларнинг инвестицион ва кредит имкониятларини кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг қатор Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қатор солиқ имтиёзларини белгилаш, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар бериш кўламини кенгайтириш, кредитларни реструктуризация қилиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида қабул қилинган иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат ҳамда бошқа истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ўз ичига олган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури республика иқтисодиётини янада изчил ва барқарор ривожланиши учун асос яратмоқда.

2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган ютуқлар, макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ўсиш суръатлари, республика иқтисодиётининг барқарорлиги ва мамлакат банк-молия тизимининг ишончлилиги Ўзбекистон танлаган ривожланиш модели тўғрилигини яна бир бор тасдиқламоқда. Буни биз Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам кўришимиз мумкин бўлади.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Айни вақтда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-

қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда тижорат банкларининг ролини оширишга, банкларнинг реал сектор корхоналарини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашдаги масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорларига асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида 2008 йилда:

- давлат тижорат "Халқ банки"нинг устав капитали 100 млрд. сўмга;

- "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг устав капитали 65,4 млрд. сўм миқдоридаги қўшимча акцияларни эмиссия қилиш орқали 100 млрд. сўмга;

- "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг устав капитали қўшимча 66,2 млрд. сўмлик акциялар чиқариш орқали 141,5 млрд. сўмга етказилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, банкларнинг умумий капитали 2007 йилга нисбатан 40 фоизга ошиб, 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 2104,3 млрд. сўмга етди.

Шунингдек, давлат тижорат "Халқ банки"нинг устав капиталини 2009-2012 йилларда 200 млрд. сўмга, 2009 йилда "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 150 млрд. сўмга, "Пахтабанк" акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга, "Ғаллабанк" акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 50 млрд. сўмга, "Асака" давлат акциядорлик-тижорат банкининг устав капиталини 300 млрд. сўмга етказиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тижорат банкларининг инвестицион ва кредит фаолиятларини кенгайтириш масалаларига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, банкларнинг реал сектор корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, банк ишини ва банкларнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тартибларини ўзида акс эттирувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, амалдаги қонунларга жумладан, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.